O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 август сешанба

Сотувда эркин нархда № 157 (2454)

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА 1991–2000 9

17 КУН ҚОЛДИ!

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛИКНИ УНУТМАЙДИ, ХИЁНАТНИ КЕЧИРМАЙДИ

XX аср сўнггида халқаро терроризм дунё миқёсида турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Сурхон воҳасига суқилиб олган бир тўда ғаламислар ҳаракати ҳам, аслини олганда, халқаро террористик ҳаракатнинг бир хуружидир. Нияти жиноятчилик, норкобизнес ва қўпорувчилик бўлган бу худобезорлар мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солиб, Ўзбекистоннинг тараққиётига кишан бўлишни режалаштирганлар.

Аммо улар биринчи кунданоқ мустақиллик йўлида собитқадамлик билан ишлаётган ва яшаётган халқимизнинг ғазаби ва нафратига дучор бўлдилар. Чунки халқимиз энди кимнинг кимлигини яхши биларди: меҳмонни нону туз билан кутиб олган халқ бадниятли кимсаларга қарши қандай курашишни ҳам чуқур англайди. Англагани шуки, Ватан ҳимоясига отланган жангчиларимиз уларни тез орада яширинган олган пучмоқ ва ғорларидан қувиб чиқарди, катта бир қисмини эса қириб ташлади.

Ватанимиз ва халқимиз тинчлиги ҳимоясига отланган беш нафар жондай фарзандимиз ана шундай нияти қора бедаволарга қарши курашда қирчиллама ёшида ҳалок бўлдилар. Улар бугун сафимизда йўқ, аммо хотирамизда мангу яшайди. Чунки улар халқ қаҳрамонларидир. Улар бизнинг тинч ва осойишта яшашимиз учун ўзларини қурбон қилдилар. Улар фарзандларимизнинг мактабларда хотиржам таҳсил олишлари, турмушимиз янада фаровонлашиши учун кўксини қалқон этдилар. Улар ҳақида, уларнинг қаҳрамонликлари хусусида ҳали кўп ёзилажак. Негаки, бу мард йигитлар мангулик каби мангуликка дахлдордирлар.

Халқ ҳеч қачон қаҳрамонликни унутмагани каби хиёнатни ҳам кечиролмайди.

Сурхон тоғларидаги оч бўриларнинг барчаси эрта-индин даъф этилади. Бунга ишончимиз комил. Аммо бу бизнинг хотиржам ўтиришимиз учун асос бўлмайди. Токи мустақиллигимизни, тараққиёт сари дадил одимлаётганимизни кўра олмайдиган ғанимлар бор экан, бизнинг бефарқ ва беэътибор бўлишга ҳаққимиз йўқ. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, «...тинчлик учун курашиш керак, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак».

Қуйида биз ҳикоя қилаётган беш нафар жасур ва мард ўғлонларимиз ҳам ана шундай йўл тутишди — Ватан ва халқ осойишталиги учун ҳатто ўлимга ҳам тик бордилар. Уларнинг жасорати ҳар биримиз учун ибрат бўлиб қолади.

Лейтенант САДИНОВ Сайёр Саидович

МИНГ ЙИГИТНИНГ ИШИНИ ҚИЛДИ

Инсон орзу билан тирик. Билаги кучга тўлган, томирида ёшликнинг қайноқ қони гупираётган навқирон йигитлар ота-онамнинг суянчиғи бўлсам, елкасидан юкини олсам, дейди. Кексалар эса юртнинг корига яраб қолган фарзандларининг дуои жонини қилиб, Яратганга шукрона айтиб ўтиришни орзу-ҳавас қиладилар...

Невара-чеваларининг яхши кунларини, тўй-томошаларини кўриш умидида яшаётган, ёшлари саксонни қоралаган Зоир бобо ва Ресолат момо фарзанд доғида куйишни хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Сурхондарёнинг тоғли ҳудудларида кечаётган воқеалардан уларнинг ҳам кўнглига хавотир тушгани рост. Чунки қизлари томондан набираси Сайёржоннинг ўша ердаги ҳарбийларимиз сафига бориб қўшилганини билишарди. Бироқ, набираларининг довюраклигига ишонган кексаларнинг кўнглидаги бесаранжомлик тезда босилди. Ахир, Сайёр ўзининг ботир, эпчил зобит эканлигини бундан аввалроқ исботлаб қўйган эди-да.

(Давоми 2-бетда).

Катта лейтенант САЛИМОВ Алишер Сатторович

АЛИШЕР ЧИНАКАМ ШЕР ЭДИ

Уни ҳарбий қисмда Алишер Сатторович деб чақиришарди. Яқин дўстлари, жигарлари учун эса у оддийгина Алишер эди. Ун гулидан бир гули очилмаган, мўйлаблари эндигина сабза урган, чимилдиқ ичида маҳбуба кулгусини эшитмаган бу бўз йигит йигирма уч баҳорга қучоқ очганди.

Хизмат бурчини аъло ўтаётганлиги, намунали хулқи учун муддатидан олдин катта лейтенант унвонини олган Алишер Салимов ўзининг қадрдон шаҳри Янгиерда шу йилнинг 28 июл куни саккиз ёшли укаси Далернинг туғилган кунини нишонлашга келганди. Эртасига эса ҳамма билан бир-бир хайрлашиб, ўз қисмига қайтиб кетди.

Нортожи ая ўшанда ўғли билан сўнгги бор кўришиб турганлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Агар билганда, сезганда Алишерни сира-сира бағридан қўйиб юбормаган бўларди. Агар билганда жигарбандининг юзкўзларидан ўпиб дийдорига қайта-қайта тўйган бўларди. Унинг Алишери қиличдек йигит эди. Онаизор айриликка, бундай узун-қисқа дийдорларга бирмунча кўникиб қолганди.

(Давоми 2-бетда).

Лейтенант ҒАНИЕВ Бобуржон Абдулҳамидович

«СЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙСАН»

...Тушдан сўнг штаб бошлиғи майор Садриддинов командирлик қилаётган кичик қисм Киштут қишлоғи яқинидаги даралардан бирини ўз назоратига олди. Тоғларга оқшом тез чўкади. Шунинг учун ҳам атрофни зулмат қопламасдан дарани кўздан кечириб маррани эгаллаш ҳақида буйруқ олинди. Бобур ўзи билан етти йигитни олиб ҳар бир қоя, ҳар бир унгурни диққат билан кўздан кечира бошлади. Тош кўчкилари, тоғ ўсимликларининг топталгани Бобурда шубҳа уйғотди. У аскарларни бир оз орқароқдан ҳушёр бўлиб юришга чақирди. Шунда қоялар орасига пистирма қўйган душман юзма-юз турган Бобурга тўсатдан автоматдан ўт очади.

Ўқни биринчи бўлиб ўзига қаратган лейтенант ярадор бўлишига қарамай тиз чўкиб солдатларни «чекиниб, маррани эгаллашлари ҳақида» буйруқ берди. Ўзи эса то қуролдошлари хавфсиз жойга ўтгунга қадар яхши қуролланган жангариларни ушлаб турди. Ҳатто майор Садриддиновнинг орқага чекиниш тўғрисидаги даъватлари ҳам қулоғига кирмади.

(Давоми 2-бетда).

Катта сержант РАЖАПОВ Маъруфжон Ахмадович

«БОЛАМ ЮРТИМИЗ КОРИГА ЯРАДИ...»

Аҳмад ака ва Шакарой опа учун 10-11 август кунлари ғоят оғир кечди. Сурхондарёдан шум хабар келди. Ўғли Маъруфжон мамлакатимизнинг Жанубий сарҳадларида тинч аҳоли ҳаётига таҳдид солмоққа уринаётган халқаро террорчилар билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Бу мусибат Булунғур туманидаги Бешкўтон қишлоғи аҳлини қаттиқ ларзага солди.

Маъруфжон эндигина йигирма уч ёшни қаршилаган, қадди-қомати келишган, мард ва кўнгли очиқ йигит эди. Спортнинг бир қанча турлари билан шуғулланиб, жисмоний кучқувватга тўлган бу йигит чапдастликда унча-мунча полвонга бўй бермасди. У болалигиданоқ спортга, айниқса, ҳарбий-жанговар машғулотларга қизиқарди. Бунинг боиси мактабда тоғаси Мўминжон Ҳамроалиев бошланғич ҳарбий тайёргарлик фанидан дарс берарди. Акаси Тўлқин эса чинакам ҳарбий – ҳаво кучлари десанти офицери. Табиийки, булар ёш Маъруфжоннинг ҳарбий форма кийишга иштиёқини янада оширган.

(Давоми 2-бетда).

Сержант БАРНОЕВ Улуғбек Абдуллаевич

АБДУЛЛА АКАНИНГ ЎҒЛИ

Мамлакатимизнинг жанубий чегараларида юз берган нотинч вазият юртдошларимизнинг қаҳр-ғазабини қўзғатди. Ватанимизнинг муқаддас тупроғини топташга уринган босқинчи тўдаларга қарши курашда беш нафар навқирон юртдошимиз ҳалок бўлди. Улар орасида каттақўрғонлик Улуғбек Барноев ҳам бор. Эндигина 22 баҳорни қаршилаган Улуғбекнинг орзу-армонлари ўзи билан кетди. Отаси Абдулла ака, онаси Сабоҳат опа, укаси ва синглиси қалбида эса ўчмас дард қолди.

Абдулла ака ўқитувчи, Сабоҳат опа боғчада тарбиячи бўлиб ишлайди. Зиёли оилада тарбия топган фарзандларга маҳалла-кўйда ҳурмат билан қарашади. Абдулла ака иккала ўғлини ҳам болаликдан спортга қизиқтирди. Кураш тўғарагига қатнашиб чиниққан болалар соғлом, бақувват бўлиб улғайди. Иккининг ҳам ғайрати ичига сиғмас эди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослаштирувини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига асосан:

1. Умумий юрисдикция судларининг тузилмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тузилиши ҳамда штат бирлигининг сони тасдиқлансин.

2. 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тузилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман /шаҳар/ жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тузилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари – суд раиси, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқадилар;

туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари - суд раиси ва судьялардан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини кўриб чиқадилар;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари – суд раиси, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқадилар;

туман /шаҳар/ жиноят ишлари бўйича судлари - суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчилардан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар.

4. Фуқаролик ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида кўзда тутилган барча ишлар тааллуқлидир.

Жиноят ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексида кўзда тутилган барча ишлар ҳамда амалдаги қонун бўйича судларнинг иш юритувига ўтказилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, шунингдек, ҳарбий судларнинг фаолияти устидан суд назоратини амалга оширади.

6. Белгилаб қўйилсинки, умумий юрисдикция судларининг судьяларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайинлаш /сайлаш/ қонунда ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида судларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида;

судларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш ҳақида таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 август.

БЕШ ҚАҲРАМОН

Сиздан хабар келди: Ватан сарҳадин
Бир тўда иблисдан айлар чоғи пок,
Ўзбекнинг беш нафар жасур ўғлони
Юрт учун мардларча бўлди деб ҳалок.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Шу кеча тун бўйи дилим сим-сиё,
Ой ҳам то тонггача юммади кўзин.
Сўз очсам — тилимда Сариосиё,
Ўйласам ўйимдан кетмади Узун.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Бирингиз Алишер, бирингиз Бобур,
Бирингиз Улуғбек... на чуқур маъно.
Бирингиз Маъруфу бирингиз Сайёр,
Минг йиллик жасорат қонидан бино.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Чимилдиқ кўрмаган жигарларим-ов,
Сузилиб турмаган жигарларим-ов.
Ойдек чақалоқни бешикка солиб,
Кўкракка урмаган жигарларим-ов.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Барчангиз мен учун фарзанддек яқин,
Энди сиз — Ойбегим, сиз — Дурбек ўғлим.
Сизни мадҳ этмаса — қуйдирсин чақин,
Сиздан сўз очмаса — узилсин тилим.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Сотқинлар эшитсин, билсин ҳар манфур:
Бу юртнинг бошида мард Исломи бор.
Ҳур элнинг ҳар ўғли Алишер, Бобур,
Ҳар ўғли Улуғбек, Маъруфу Сайёр.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари.

Эл сизни унутмас қиёматгача,
Авлодлар ёд этар эҳтиром ила.
Сиздай мардга ошиқ неча келинчак,
Не тонг, жасоратга бўлса ҳомила.
Озодлик йўлида фидо жонлари —
Ўзбек элим асл қаҳрамонлари!

Саъдулла ҲАКИМ.

Сариосиё. (ЎзА мухбирлари Мусулмон Намозов ва Чори Тўхтаев хабар килади). Сариосиё ва Узун туманларининг тоғли худудларида қўним топмокчи бўлган террорчиларнинг колган-кутганларини бартараф этиш борасидаги операция давом этмокда. Боскинчиларнинг асосий кучлари жойлашган Киштут кишлоғи якинида 12 август куни ўтказилган тозалаш операцияси пайтида террорчилардан яна бир гурухи ер тишлади.

ТЕРРОРЧИЛАР — ТАЛВАСАДА

Жон таслим қилиш фурсати яқинлашаётганлигини террорчиларнинг ўзлари ҳам эътироф эта бошлади. Қўмондонликдан маълум қилишларича, босқинчилар хориждаги "хўжайинлари" билан очиқчасига алоқага чиқиб, "Биз тамом бўлдик! Ортиқ дош беролмаймиз!" дея талвасага тушмоқда. 11 августдан 12 августга ўтар кечаси Саринова қишлоғи ёнида душманнинг катта миқдордаги қурол-яроғ, ўқ-дори ва озиқ-овқат омбори аниқланди. Жон талвасасида ҳимояга ўтган террорчилар омбор билан бирга яксон қилинди.

Таъкидламоқ керакки, тоғни босқинчилардан тозалаш операциясида қўмондонлик ҳарбий техникадан моҳирлик билан фойдаланмоқда. Аввал душман турган жой аниқланиб, сўнг вертолётлар орқали ва минамётлардан аёвсиз ўққа тутилмоқда. Сўнг аскарлар бориб тозалашни ниҳоясига етказади. Бу тактика туфайли жангчиларимиз сафидан қурбон бериш ва ярадор бўлишларнинг олди олинмоқда.

Шундай пайтда хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларининг Сариосиё ва Узун туманларидаги шифохоналар "ярадорлар билан тўлиб кетганлиги" тўғрисидаги ёлғон хабарлар тарқатаётгани, безор қилиб айтганда, кишини жуда ажаблантиради.

Биз республика Шошилинч тиббий ёрдам марказ Сариосиё тумани бўлимида бўлганимизда, у ерда даволанаётган бир ҳарбий хизматчини кўрдик. Ички ишлар тизимида хизмат қилаётган яна икки ходим ҳам шу ерда муолажа олаётган экан. Улардан бирининг қоядан йиқилганда болдир суяги лат еган бўлса, қолган иккитаси қаттиқ шамоллаган. Шифохонада уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Бозорларда савдони ташкил этишни такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ва сотувчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорларнинг моддий негизини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бозорларни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

республиканинг барча минтақаларида тўсатдан назорат текширувлари ўтказиш йўли билан бозорлардан маҳаллий бюджетга тушумлар йиғими мониторингини ҳар чоракда ўтказсин;

(Давоми 2-бетда).

МИНГ ЙИГИТНИНГ ИШИНИ ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтган йилги Боткент воқеаларида тажрибали командирлар қаторида лейтенант Сайёр Саъдинов ҳам иштирок этиб, халқимиз осойишталигига раҳна солишга уринган террорчиларнинг ёвуз ниятларини чилпарчин қилганини кўпчилик яхши биларди.

Сайёрнинг отаси Саид ака 1982 йилда бахтсиз ҳодиса — автомобиль ҳалокати туфайли бевақт вафот этди. Турмуш ташвиши, фарзандлар тарбияси ёлғиз она гарданида қолди. Шифокорликдек ҳайрли касб туфайли нон топган аёл болаларини ҳам ҳалол, ўқимишли қилиб вояга етказди. Фарзандлар ҳаётда ўз ўрнини топди. Тўнғичи Бахтиёр, қизлари Наргиза ва Мадина шифокорликни, кенжатойи Жамшид инженерлик касбини танлади. Ўртанчаси Сайёржон бошқача чиқди. Мактабни битирдию, армия сафига жўнади. Аскарлар орасида чаққонлиги, бақувватлиги, иродаси мустаҳкамлиги билан алоҳида кўзга ташланган йигит хизматдан сўнг ўз хоҳиши билан яна ҳарбийлар сафида қолди. Машқларда тобланиб, ҳарбий унвони ҳам ошиб борди.

Ўшанда у уйидагиларга, қўни-қўшниларга сафар таассуротларини тўлқинланиб сўзлаб берган, ҳеч кимдан камимиз йўқ, дея ғурурланган, кейин эса ёқимли кулиб, қани, бу гапни ким айтган эди, дея саволжавоб қилган эди. Саволига жавоб осонгина топилганидан янаям очилиб, Президентимиз бошимизда соябон бўлиб турсалар, халқимиз тинч-омон бўлса, худо хоҳласа, биз ҳам буюк давлат бўламиз, бўлажак генералнинг сўзига ишонинг, дея ваъдалар берган эди.

Шу йилнинг август ойи бошларида Ватанимиз тупроғига ёвуз ниятли манфур кимсаларнинг ифлос оёғи тегди. Бу қутурган тўдаларни келган жойларига улоқтириб ташлаш, халқимиз осойишталигини сақлаб қолиш лозим эди. Тошкентдан Сурхондарёга етиб борган ҳарбийлар сафида Сайёр ҳам бор эди. Тез-тез хат-хабар келиб турган алп қомат йигитдан бу гал машъум хабар келганини қайси тил билан айтайлик. Гўё осмон узилиб тушди. Қавму қариндошлар, ёру биродарларнинг юраклари эзилди.

Бир қанотидан айрилган Розия опанинг фарёдидан қишлоқ юм-юм йиғлади. Ўғил уйлантираман, тўй қиламан, деб йиғиниб юрган она энди-гина йигирма тўрт баҳорни кўрган фарзандини қабрга кузатди... Самарқанддан Қақнус каби ловуллаб учган қуш яна Самарқандга қайтиб, Жом қишлоғидаги отасининг қабри ёнидан мангу макон топди. Мен Сайёржонларнинг Боғишамолдаги хонадонларида бўлганимда, Розия опа Жомдан ҳали қайтмаган эди...

— Армияда Сайёр ака бизга командирлик қилган, — дейди Пастдарғом туманидан келган Зоҳид Йўлдошев. — Сайёр ака қисмимиздаги энг кўзга кўринган офицерлардан эди. Айниқса, машқ пайтлари ҳаммамиз у кишига ҳавас қилардик. Уша пайтдаёқ қалин ака-ука бўлиб қолган эдик. Эр йигит элни асрайди, йигит киши ориятли бўлиши керак, дея кўп гапирарди. Сайёр аканинг ҳалок бўлганини эшитиб, юрагим музлаб кетди. У кишининг тўйларига келаман, деб ният қилиб юрардим.

Сайёржон тўй орзусида яшаётган эди. Яқинда таътилга чиқишини, Тошкентда яхши кўрган қизи ҳам борлигини маълум қилганди.

У Ватан ҳимоясини муқаддас билди. Тинч ҳаётимизни, мамлакатимиз равнақини кўролмаётган босқинчи тўдаларга қарши курашишга ҳамиша тайёр эди.

...Остонасидан одамлар аримаётган бу хонадондан қайтаётганимда "Бир йигит минг йигитнинг ишини қилиб кетди", деган гап қулоғимга чалинди. Бу ҳикматнинг маъноси чуқур. Шуниси аниқки, Сайёрнинг жасорати минглаб ўзбек ўғлонларига чинакам фидойилик, асл ватанпарварлик намунаси бўлиб қолади.

Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.
Самарқанд вилояти.

АЛИШЕР ЧИНАКАМ ШЕР ЭДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Нортожи аянинг ўша куни ёдида битта воқеа мухрланиб қолди. Бу воқеани энди у узоқ йиллар юрагида олиб юрса ажабмас. «Онажоним, энди яхши қолинг...» Бу сўзларни Алишер дарвоза олдида айтди. Кулиб-кулиб, ўйнаб-ўйнаб айтди бу сўзларни дилбанди.

Эрнест ИСХОҚОВ:

— Бизлар Алишер билан дўст эдик. Самарқанд ҳарбий техник автомобиллар билим юртига ҳужжат топширгандик. Ўта жасур, бир сўзли зобит эди.

Шомил ЗАРИПОВ:

— Эндиликда дўстимиз ҳақида гапириш жуда ҳам оғир. Унга ўзимга ишонгандай ишонардим. Ёлғонни, ланжликни ёмон кўрарди. Унинг вужудида ажиб бир шиддат бор эди.

Екатерина ШОБЎРОНОВА:

— Менинг фанимдан — математикадан Алишер Салимов фақат «аъло» баҳоларга ўқирди. Ҳарбий бўлиш унинг болалик орзуси эканлигини яхши билардим. Алишернинг орзуси ушалди. Аммо...

Алишер ўқиган Ҳамид Олимжон номли мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Эльза Юрьевна Хегай олдимизга келди-да «Мен ҳам Алишер ҳақида гапирсам майлими?..» деди. Аммо у гапиролмади.

Гал Нортожи аяга етиб келганда мен иккиланиб қолдим. Унга қандай савол беришни, қандай юпатишни билмай бирмунча муддат сўз қотолмадим. Онанинг кўзлари бир нуқтага қадалиб қолганди. Унинг кўзларида ифода йўқ эди. Унинг юраги йиғларди. Унинг қалби йиғларди. Онанинг ёш чиқмай қолган кўзларида Алишернинг суратини кўргандай бўлдим. Ким билсин, эҳтимол айнан мана шу лаҳзаларда унинг қулоқлари остида ўғлининг кулиб-кулиб, ўйнаб-ўйнаб «Онажоним, энди яхши қолинг» деган нидолари жаранглаётгандир. Индамай унинг қўлларини кафтимга олдим. У бир муддат менга тикилиб турди-да оҳиста, донадона қилиб шундай деди:

— Мен аниқ биламан, қотилларга ҳам тикилган зўр бир бало бор. Мен аниқ биламан, улар албатта Худонинг қаҳрига учрайди...

Онанинг сўзлари томоғидан тираб чиқди.

Алишер Салимовнинг дўстлари, танишлари у ҳақдаги хотираларни тўлдириб борарди. 1977 йили Янгиер шаҳрида дунёга келган. Ўрта мактабни тугаллагач ҳарбий билим юртига ўқишга кирган. Келгуси йили оила қурмоқчи эди.

Қолганини эса бугунги кунда бутун Ўзбекистон билади. Юртимиз ғанимлари жанубий чегараларимизни бузиб, Сурхон тоғларига бостириб кирганида унинг бўлинмаси жангга ташланди.

Алишер Салимов яшаган Темур Малик номли маҳалла қўмитасининг оқсоқоли Мирвоҳид Азимов хайрлашув чоғи қўлимга бир парча қоғозни тутқазар экан шундай деганди: «Буни ўзим ёздим. Бу Алишернинг энг сўнгги сўзлари эди...»

Тўрт қатор шеърга кўз ташладиму баданим жимирлаб кетди. Мана ўша сатрлар:

Сен менга ўқ отдинг,
номард газанда,
Осмоним қоронғу бўлди
дафъатан.
Теранроқ англадим
сўнгги нафасда,
Мен билан бирлашиб
кетганин Ватан...

Сурхон тоғларида отилган ўқлар беш йигитнинг фақат жисмини орамиздан олиб кетди. Жисми кетгани билан бу йигитларнинг номи, ёди бир кунда, бир лаҳзада миллион-миллион юртдошларимизнинг юрагига кўчиб ўтди. Тирик эканмиз, юрагимиз уриб туради. Юрагимиз уриб турар экан, демак улар ҳам ҳеч қачон ўлмайдилар.

Алиқул ҲОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«СЕН ЭЛИМНИНГ ЮРАГИДА ЯШАЙСАН»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўша тенгсиз жанг шоҳидларининг гувоҳлик беришича, ўттизга яқин яхши қуролланган жангарилар етти-саккиз кишилик кичик гурухга бўлиниб ҳамла қилган. Бобур қаттиқ яраланганига қарамай, сўнгги нафасигача босқинчилар билан олишган. То ярим тунга қадар дарадан автомат овозлари келиб тургани ҳам бундан гувоҳлик беради.

...Шаҳиду мунаввар Бобурнинг жанозасида у ўсиб улғайган, қалбида қаҳрамонлигу жасоратни мужассам этган бутун аҳли Марғилон тўпланди. Йўрмадўзнинг қадим Тошкесар маҳалласидаги мўжазгина ҳовли қаҳрамонни сўнгги йўлга кузатгани келганларнинг ҳаммасини ҳам бағрига сиғдира олмади. Шу видолашув онларида Бобурнинг онаси Мунаввархон аянинг тўпланганлар, Мудофаа вазирлиги, вилоят раҳбарларига қарата, ўнг қўлини ўғлининг тобутига қўйиб айтган сўзлари ҳар бир марғилонлик, фарғоналикнинг қалбида ҳамон акс-садо бериб турибди.

— Бу одамларнинг орасида танишлари ҳам, нотаниш-лари ҳам бор, — деди Минаввар опа. — Улар узоқ-яқиндан келиб, ўғлим Бобуржоннинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришмоқда. Шу сабабли, менга нечоғлик оғир бўлмасин, ўз-ўзимга шундай дейман: ўғлим қанчалик ёш бўлмасин, умри зое кетмади.

Ўғлимга берган оқ сутимдан розиман. Ўғлим кўча-кўйда безорилик қилиб, биров билан муштлашиб оламдан ўтгани йўқ. Ватанини, халқини ҳимоя қилиб, жонини фидо қилди.

Икки ўғлим ҳарбий хизматчи. Уларни ҳам юртимиз тинчлигини ҳимоя қилиш учун чегарага юборишга тайёрман. Президентимиздан, ҳукуматимиздан розиман.

Сўнгги марта уни бир ой аввал — июл ойининг бошида кўрган эдим. Айтган эдики: онажон, қаерда бўлмай, дўстларим билан ҳамиша сизларнинг осойишта ҳаётингиз, тинч меҳнатингизни ҳимоя қиламиз.

Ўғлимнинг шу гаплари ва унинг қаҳрамонлиги, аскарлик ва фарзандлик бурчини тўла адо этганини англаш бошимга тушган мусибатни енгишда ёрдам бермоқда.

— У бўш вақти бўлди дегунча, мактабга, у ердан тополмаса, уйимга ҳамиша гул кўтариб келарди, — дейди Бобурнинг ўқитувчиси Нина Рязанова. — Фақат менга шундай қилса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, ҳамма ўқитувчиларни — унга мактабда, техникумда, институтда илм берганларни шундай сийлар экан. Бундай эътиқод фақат катта қалб эгаларида бўлади.

Ушбу йилнинг баҳорида ҳарбий олийгоҳни битириб, алоқачи бўлишга қарамай отасидай ҳарбий десантчилар қисмида хизмат ўташни илтимос қилади. Биринчи маошини олган куни Марғилонга онаси бағрига учиб келди. Волидасига маошни бера туриб, бир қисмини тўйга сақлаб қўйишини айтиб, ортига қайтади. Афсуски, бу унинг Марғилонга сўнгги келиши эди. Марғилоннинг минг йиллик тарихга эга Фур-Сиддиқ қабристонида, буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний сабоқ олган мадраса, ҳужра ёнида бир қабр пайдо бўлди. Бу — юртимизни олчоқ ғаламислардан ҳимоя қиламан, деб жонини фидо қилган қаҳрамоннинг қабри.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

«БОЛАМ ЮРТИМИЗ КОРИГА ЯРАДИ...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг назарида, ҳарбий бўлишнинг асосий шартлари — жисмонан соғломлик, чапдастлик ва сергаклик эди. Шу боис у ўрта мактабни тугатгач, ўқишини Самарқанд шаҳридаги жисмоний тарбия ва спортга ихтисослашган коллежда давом эттирди. Бу ерда у эркин кураш бўйича спорт устаси номзоди мақомини олди. Сўнг ҳарбий хизматга жўнади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўзи орзу-ҳавас қилган жанговар бўлинмаларда ўтади. Кўплаб ҳарбий-техник машғулотларда маҳоратини намойиш этди.

— Жияним Маъруфдан кўнглим тўқ эди, — дейди М.Ҳамроалиев. — У ниҳоятда шижоатли, уддабурон, абжир ва ақлли йигит эди. Ноҳақликни, зўравонликни кўрса, чидаб тура олмасди. Сариосиё ва Узун туманларининг баланд тоғлари орасида ўрнашиб олмоқчи бўлган террорчиларнинг кирдикорлари ҳақидаги хабарларни эшитиб, биз армиямизда хизмат қилаётган Маъруфжонга эмас, унинг акаси — тажрибали командир Тўлқинжонга иш кўпайибдида, укасининг уйланиш тўйига етиб келишга вақти бўлармикан, деган фикрга боргандик. Сабаби — Маъруфжон сентябр ойида меҳнат таътилига чиқиши, биз эса фурсатдан фойдаланиб, унинг бошини иккита қилишимиз керак эди. Тақдир, ўйинини қаранг-ки...

Мўминжон ака бошқа гапиролмади. Унинг шу топдаги аҳволини тасвирлаш қийин. Оилага шум хабар етиб келган куни бутун қишлоқ икки фарзандини ҳарбийга жўнатган Аҳмад ака хонадонига йиғилди. Бу ерга республика мудофаа вазири ва маҳаллий ҳокимият вакиллари етиб келди. Йиғилганлар катта сержант Маъруфжон Ражаповнинг ота-онасига, қариндош-уруғларига, акасига чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

— Ҳарбий бўлиш осон эмас, — дейди Маъруфжоннинг отаси Аҳмад ака. — Аввало, шу соҳани танлаб, ҳарбийлик либосини киядиган ҳар бир киши тақдирига нима ёзилган бўлса, шунга кўнади. Ўғилларим Тўлқинжон ҳам, Маъруфжон ҳам шу соҳани танлаганларида, ҳарбий хизмат машаққатли ҳаётининг турли ҳавф-хатардан холи эмаслигини, албатта, ўйлаб кўришган. Уларнинг ортида эл-юртимиз тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги турибди. Буни Маъруфжон ўғлим жуда яхши ҳис этарди. Унга ҳарбий либос қуйиб қўйгандек ярашарди. Биз уни ҳар кўрганимизда шундай забардаст ўғлимиз борлигидан жуда фахрланардик... Биласизми, Ватанимизни, халқимизни Маъруфжондай йигитлар қўриқламаса, унинг ҳимоясига кўкрагини қалқон қилмаса, ким қилади. Террорчиларни йўқ қилиш учун учинчи ўғлимни ҳам Сурхондарёга жўнатишга тайёрман, лозим бўлса, ўзим ҳам бораман. Ишонинг, бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас!..

Аҳмад ака бу гаплари билан жасур ўғлига, ўғилларига ўзининг муносиб ота эканини намоён қилаётганини балки ўзи билмасди.

Дарвозадан шундай чиқилса, кўча адоғида қишлоқ қабристони кўриниб турибди. Кечагина шу кўчани чангитиб, чопқиллаб юрган кенжа ўғли бугун ўн гулидан бир гули очилмай қабристонда ётибди. Қандай чидасин! Шунинг учун у, лозим бўлса, террорчи тўдаларнинг кулини кўкка совуриш учун ўзим ҳам қўлимга қурол оламан, дейди.

Аҳмад акага, аёлига, қариндошуруғларига бир ҳол тасалли беради: ўғли Маъруфжон беҳуда ҳалок бўлгани йўқ. Ватанимизнинг, халқимизнинг корига яради. Унинг бошига ташвиш тушганида кимлигини кўрсатди — эл-юрти учун жонини берди. Айримларга ўхшаб турли оқимлар таъсирига берилгани, Ватанига хоинлик қилиб, бегуноҳ одамлар қонини тўккани, ота-онасини шарманда-ю шармисор қилгани йўқ!

Маъруфжондай жасур ва иймонли фарзандларни тарбиялаб вояга етказиш, уларнинг отаси, онаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Ўктам ДЎСТЁР,
ЎзА мухбири.
Самарқанд вилояти.

АБДУЛЛА АКАНИНГ ЎҒЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улуғбек мактабда ўқиб юрган кезлари Шарқ якка курашига ҳам қизиқиб қолганди.

Спорт билан шуғулланганига ҳарбий хизматда қўл келди. Улуғбекни ҳаво десантчилари бўлинмасига чақиришди. Улуғбек ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, ота-онасининг розилиги билан ўз хизмат жойида қолди.

Улуғбек бундан бир ой аввал, таътил пайти уйига келган эди. Ўшанда бувиси: "Болам, узоқларда нима қиласан? Отангнинг ёнида қол", деган эди. Улуғбек эса: "Бувижон, сиз дуо қилиб турсангиз бўлди. Ҳамма ишим яхши бўлиб кетади", деб жавоб берганди.

Улуғбек ҳар гал Каттақўрғонга келганида кўча-кўйда маҳалла болалари ўраб олишар эди. Унинг ҳарбий форма ярашиб турган қадди-қоматига ҳавас билан қарашарди. Болакайлар Улуғбекнинг шиша идишни боши билан уриб синдирганини телевизорда кўришганини ҳали-ҳали фахрланиб айтиб юришади.

Яқингинада Сабоҳат опа келин тушириш ниятида ўғлини қистовга олган, Улуғбек эса маъшуқасига қўнғироқ қилиб, тез орада тўйлари бўлишини айтган эди.

... Беш ўзбек йигити қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аммо улар Ватанимиз, халқимиз эрки ва озодлиги йўлида фидо этган жонлари эвазига минглаб ватандошларини катта кулфатдан сақлаб қолди.

Уйғун РЎЗИЕВ,
ЎзА мухбири.
Самарқанд вилояти.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ МАНГУДИР

Ўзбекистон ойнаи-жаҳони жангларда ҳалок бўлган беш ўзбек аскарини кўрсатди. Булар — ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаган, ҳаётга эндигина қадам қўйган навқирон ўғлонларимиз. Улар чегара яқинида, Сурхон тоғларида қора ниятли ёвуз босқинчиларга қарши қаттол жангларда ҳалок бўлдилар. Оллоҳ раҳмат этган бўлсин фидойи-азиз фарзандларимизни!

Халқ ғазабда. Катта-кичик юртдошларимизнинг изтироби, нафрати чексиз. Кексалар босқинчиларни дуойи-бад қилмоқдалар, оналар ўртаниб-ёниб қарғамоқдалар, ёшлар — шаҳидларнинг тенгдошлари жанг майдонига бориб, мустақил Ватанимиз учун қўлда қурол билан курашишга шайланмоқдалар.

Террорчиларда, босқинчиларда имон ҳам, эътиқод ҳам бўлмайди. Инсон қонини тўккан қотил ўзини ким деб таърифламасин, у қотилдир, жаллоддир.

Сурхон тоғларида, арча қоплаган ғорларда террорчилар ўраб олиниб, қилмишларига яраша қирғинга дучор қилиняпти. Улар ҳаммаси омонсиз қириб ташланади — халқимизнинг қатъий ҳукми шу.

Мудҳиш халқаро терроризмга — давримизнинг бу даҳшатли вабосига бизнинг жавобимиз доимий сезгирлик ҳамда қақшатқич зарба бериш учун муттасил тайёр туришлик бўлиши керак.

«Озодлик», «Би-би-си» каби хорижий радиостанциялар, халқаро террорчиликнинг Ғарб ва Шарқдаги матбуот афкороммалари, уларга ўрнашиб олган ғаламислар турли долзарб сиёсий мавзуларда тункун тинимсиз айюҳаннос солмоқдалар. Улар учун бизнинг озодлигимиз, давлатимизнинг мустақиллиги, жаҳон миқёсида юксалиб бораётган обрў-эътибори, миллий мафкурамиз ва маънавиятимизнинг камол нури уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйган.

Ёркин, порлаб турган қуёшни: «Бу қуёш эмас!», — деб инкор этиб бўлмас, албатта.

Беш ўзбек зобити жанг майдонида дафн қилинган дақиқаларда уларнинг жанговар дўстлари — худди ўшалардай навқирон зобитлар:

— Жанговар дўстларимиз учун қасос оламиз! — деб қасамёд қилдилар.

Бу сўзларни эшитган ватандошларимизнинг кўзлари ёшга, юраклари фахрга тўлди.

Бутун ўзбек халқи ўз жанговар фарзандларининг қасамёдини дил-дилидан тақрорлади.

Ер юзида, бутун коинотда халқнинг ғазабли овозига бардош бераоладиган куч йўқ.

Эркин халқ ўз мустақил давлатида эркин меҳнатини, эркин ижодини давом эттиради. Уруш яралари битиб кетади, иншоолло. Лекин халқ хиёнатни ҳеч қачон кечирмайди.

Ватанимиз ҳамиша озод ва обод бўлсин.

Истиқлолимиз қуёши бошимизда абадий порлаб турсин.

ЗАМИН АЗИЗ, ЗАМОНА АЗИЗ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Санъат саройида Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, маҳалла оқсоқоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими У. Мирзақулов олиб борди. У халқаро терроризмнинг ўз ҳаракатини мамлакатимизга олиб кириш йўлидаги уринишлари барбод этилганлигига эътиборни қаратди. Сурхондарё вилоятида жангарилар тўдаларини тугатиш ҳаракатлари муваффақиятли давом этмоқда. Ҳадемай террорчилар бутунлай йўқ қилинади. Айни шу дамларда халқимизнинг ҳушёрлиги ва якдиллиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, огоҳлик, ватанпарварлик, озодлигимиз душманларига нисбатан муросасизлик ҳар биримизга хос фазилат бўлмоғи лозим.

Сўзга чиққанлар осойишталикни сақлаш учун ҳуқуқ-тартибот органлари билан аҳоли ўртасидаги ҳамжиҳатликни янада кучайтириш муҳимлигига эътиборни қаратдилар. Халқаро терроризмнинг қилмиши ва қиёфасини фош этиш, унга нисбатан халқимиз нафратини кучайтиришда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик вакиллари янада фаолроқ ишлаши бугунги кун талабидир.

(Ўз мухбиримиз).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Қ А Р О Р И

Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

савдо жойи берилганлиги ва бозорлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун патта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияларни ҳисобга олиш ва уларни беришнинг янги тизимини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин, белгиланган тартибда тасдиқласин ва 2000 йилнинг 1 октябригача амалга киритсин, бунда уларни бир хиллаштириш, рақамлаш ва қатъий ҳисобда турадиган бланкалар сифатида ҳисобини юритишни назарда тутсин.

3. Белгилансинки:

бозор бошқаруви раиси (директори) патта тўловлари тўлиқ ундирилиши ва белгиланадиган прогноз кўрсаткичларига мувофиқ тегишли маблағларнинг маҳаллий бюджет даромадига ўтказилиши учун шахсан жавоб беради;

маҳаллий бюджетга даромадлар тушуми прогнози икки ой давомида кетма-кет бажарилмаган тақдирда бозор бошқаруви раиси (директори) қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан озод қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

бир ой муддатда бозорларда давлат солиқ хизмати органларининг таянч пунктларини ташкил этсин;

бир ҳафта муддатда таянч пунктлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда инспекторлар сони нормативи, уларни ҳар 3 ойда алмаштириш, йиғимлар тушуми тўлиқлиги учун жавобгарлик даражасини назарда тутсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг кўрсатиб ўтилган таянч пунктлари штатига кирмайдиган мансабдор шахсларига бозорлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган тўсатдан амалга оширилади назорат текширишлари бундан мустасно.

5. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

бозорлардан маҳаллий бюджетга тушадиган даромадларнинг тўлиқлиги;

бозорлар ҳудудида юридик ва жисмоний шахсларга савдо фаолиятини амалга ошириш учун ва давлат солиқ хизмати органлари ходимларига назорат функцияларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши учун жавоб берадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2001 йил 1 январгача бўлган муддатда бозорларнинг таъсис ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 5 мартдаги 82-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.З.Усмонов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 август.

КЕНГАШ ЯКУНЛАНДИ

Республика таълим марказида халқ таълими фаолларининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинганлигининг уч йиллигига бағишланган кенгаши якунланди. Мамлакатимиз таълим соҳасида туб бурилиш ясалишига туртки бўлган ушбу муҳим ҳужжат мустақил фикрли, эркин тафаккурли, билимдон ва зукко ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда. Дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг янги ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилди. Замонавий педагогик технологиялар ўқув тизимига жорий этила бошланди, янги давлат таълим стандартлари асосида дарсликлар яратилмоқда. Айни вақтда бу борада камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас.

Кенгаш якунида Халқ таълими вазирлиги ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишдаги улкан аҳамияти, бу борада халқ таълими ходимлари зиммасидаги вазифалар хусусида батафсил тўхталди.

Мажлисда таъкидланганидек, бугунги кунда тобора тараққий этиб бораётган жамиятимиз юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади. Бу жараён эса миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланган. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялашдир. Муаллимлар зиммасидаги асосий вазифа эса бу жараённинг илмий-назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларга содда қилиб тушунтириш, ёшларни жамият қурилишининг фаол иштирокчиларига айлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг таҳлили ва галдаги вазифаларга тўхталиб, унинг ҳаётга татбиқ этила бошлагандан буён ўтган давр мобайнида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ўрта таълим мактабларида ҳам васийлик кенгашларини тузиш, янги ўқув йилидан бошлаб ҳар чоракда ўқувчиларнинг давлат таълим стандартларини ўзлаштиришларини таҳлил қилиб борувчи мониторинг тизимини ишлаб чиқиш таклифини киритди. Шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари фаолиятини замон талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш зарурлиги уқтирилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

БЕШ ҚИТЪА ДАРАКЛАРИ

Маълумки, шу йилнинг ноябр ойида Америка Қўшма Штатларида навбатдаги Президент сайлови бўлиб ўтади. Унда АҚШнинг 42-Президенти сайланади. Ана шу шарафли ва масъулиятли лавозимни эгаллаш учун шу кунларда икки номзод: демократлар партиясидан хозирги вице-президент Альберт Гор ва республикачилардан АҚШнинг собиқ президенти Жорж Бушнинг иккинчи ўғли, Техас штатининг хозирги губернатори, кичик Жорж Буш ўртасида кураш кетмоқда.

АҚШ: ИККИ ПАРТИЯНИНГ ИККИ НОМЗОДИ

улар ўртасида сайловолди кураши авжига чиқмоқда

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, Америка президентлигига номзодлар асосан мавжуд икки партиядан (баъзан мустақил номзодлар ҳам) қўйилади ва уларнинг ҳар бири ўзларининг сайловолди тадбирларида шу партиядан ягона номзодни танлаб олишади. Шу сабабли АҚШдаги сайловларда баъзи давлатлар президент сайловларида бўлгани каби ўнлаб кишилар номзод этиб рўйхатга олиниб, сайлов бюллетенига киритилмайди. Уларда сайлов кунига қадар кўпи билан 2 ёки 3 нафар номзод қолади, холос.

Айни пайтда икки партиядан ушбу юксак лавозимга номзоди қўйилган кичик Жорж Буш ва Альберт Гор ҳам ана шу мақсад йўлида сайловолди курашларини авж олдирмоқдалар. Шу мақсадда яқинда Филадельфия шаҳрининг «Ферст юнион сентер» спорт мажмуида республикачилар партиясининг съезди бўлиб, унда кўп минг кишилик делегатлар президентликка номзод — кичик Жорж Бушнинг сайловолди платформасини катта қизиқиш билан тинглаб, юксак ишонч билан уни бўлажак сайловда Қўшма Штатлар президентлигига номзод сифатида расман тасдиқладилар. Шунингдек, ушбу съездда АҚШнинг собиқ мудофаа вазири Ричард Чен мазкур партиядан вице-президентликка номзод этиб рўйхатга олинди. Кичик Жорж Бушнинг ташқи сиёсат бўйича маслаҳатчиси Кондолизой Райс хонимнинг журналистларга берган интервьюси ва бошқа холис кузатувчиларнинг фикрига қараганда; мамлакатнинг собиқ мудофаа вазирининг шу партиядан вице-президентликка номзоди қўйилиши президентлик сайловида кичик Жорж Бушнинг имкониятларини янада ошириб юборди. Сайловда кичик Жорж Буш ғолиб чиқадиган бўлса, К.Райс хонимга Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси бўлишдек юксак мартаба иньюм этилиши мўлжалланяпти.

Хўш, шу кунларда демократлардан номзод А.Гор қандай йўл тутмоқда? У кичик Жорж Бушга муносиб қаршилик кўрсата оладими? Шуни айтиш керакки, ҳозирда А.Гор ўзининг кундалик ишларини йиғиштириб, асосий эътиборни бўлажак сайловларга тайёргарлик ишларига қаратган.

Шу кунларда эса у партия съездини ўтказиш ва ўзи билан бирга овозга қўйиладиган вице-президентликка номзод топиш билан банд. А.Гор ушбу нуфузли лавозимга партиядошлари томонидан кўрсатилган тўрт сенатор ичидан энг маъқул номзод сифатида 58 ёшли ҳуқуқшунос Жозеф Либерманни танлади. Очиғи, унинг бу танлови президент Билл Клинтонга маъқул келган бўлсада, кўпчилик америкаликлар учун кутилмаган ҳол бўлди. Чунки Ж.Либерман америкалик яҳудий миллатига мансуб бўлиб, мамлакат тарихида илк бор ушбу миллат вакили шундай юксак вазифага рўйхатга олинмоқда. Шунингдек, кузатувчилар Ж.Либерманнинг бирор бир масала бўйича қатъий фикрда турмасдан, шароитга қараб ўзгариб туришини ҳам таъкидламоқдалар.

Қонунга мувофиқ, Президент қасамёди (инаугурация) 20 январда АҚШ Сенати (Капитолия) ёнидаги мармар тошлар тўшалган баланд супада амалга оширилади. Бунинг учун президент маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10.00 да ўз қароргоҳи — Оқ уйдан рафиқаси ва бошқа яқинлари билан чиқиб, Пансилвания кўчаси бўйлаб, яёв Капитолия томон юради ва 1 километр 600 метрлик масофани босиб ўтиб, белгиланган жойда Америка Қўшма Штатлари Олий Суди Раиси ва бошқа қатнашчилар иштирокида тантанали равишда қасамёд қилади ҳамда шунга боғлиқ тадбирлардан сўнг келган йўлидан пиёда Оқ уйга қайтиб боради. Шу тариқа, амалда президент ваколатини бажаришга киришади.

Хўш, ушбу юксак лавозим кимга насиб этади? Кичик Жорж Бушгами ёки Альберт Горгами? Қайси номзод сайловчиларнинг ишончини кўпроқ қозона олади? Табиийки, буни вақт кўрсатади. Зеро, вақт энг олий ҳакам.

Мирза ТУРСУНОВ.



Нью-Йоркнинг осмонўпар бинолари.

КИСКА САТРЛАРДА

Буюк Британия полициясининг террорчиларга қарши мамлакат пойтахти Лондонда ўтказган операцияси чоғида уч киши ҳибсга олинди.

* * *

Грознийда қуролланган 4 нафар жангари қўлга олинди. Россия президенти ёрдамчиси Сергей Ястржембскийнинг таъкидлашича, жангарилар Чеченистон пойтахтида қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун республиканинг тоғли ҳудудидан атай Грознийга келган.

* * *

Яқинда истеъфога чиққан Девид Леви ўрнига Исроил ташқи ишлар вазири лавозимига мамлакат ижтимоий хавфсизлик вазири Шломо Бен-Ами тайинланди.

* * *

13-21 сентябр кунлари Пхеньянда "Мустақиллик, тинчлик ва дўстлик" шиори остида Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг еттинчи халқаро кинофестивали бўлиб ўтади.

Ҳурматли юртдошлар!

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ва «МАТЛУБОТСАВДО» ҳудудий акциядорлик компаниялари

2000 йилнинг 10 августидан 10 сентябригача

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

«МАКТАБ БОЗОРЛАРИ»

ташкил этади.

Сизлар ушбу «Мактаб бозорлари»дан ўқув қуроллари, адабиётлар ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечаклари, пойабзаллари ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

3170

КУЙДИРГИ КАСАЛЛИГИДАН САҚЛАНИНГ!

Кейинги вақтда хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизга яқин айрим минтақаларда инсон саломатлиги учун ўта хавфли куйдирги касаллиги таркалаётганлиги ҳақидаги ташвишли хабарлар пайдо бўлди. Хусусан, 10 август куни Россия Федерацияси телевидениеси "ВРЕМЯ" дастурида хабар қилинган маълумотларга кўра, сўнгги кунларда чегарадош Жанубий Козоғистон, унинг маркази Чимкент шаҳри аҳолиси орасида мазкур юқумли касаллик таркалиб, нохуш эпидемик вазият вужудга келган.

Биз Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги Республика Давлат санитария назорати марказининг санитария бўлими мудири Р.МАШАРИПОВдан куйдирги касаллиги, унинг республикамиз ҳудудига кириб келиши хавфининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Куйдирги, бошқача айтганда, Сибир язваси касаллигини қўзғатувчи микроблар табиатда икки ҳолда, яъни таёқча ва спора шаклида учрайди. Ташқи муҳит омиллари таъсирига жуда чидамли бўлиб, тупроқда 20 йилдан кўпроқ сақланади. Шунинг учун ҳам бу касалликка, аввало, қорамол, қўй ва эчкилар, бундан ташқари туя, чўчқа, ит, мушук ва ёввойи ҳайвонлар кўпроқ чалинади. Кемирувчилар турига кирувчи каламуш, қумсичқон ва чивинлар ҳам бу касаллик манбаи ҳисобланади.

Кузатувлар шуни кўрсатадики, кўпчилик ҳолларда куйдирги касаллиги одам организмига қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш жараёнида ўтади. Бунга Ўзбекистон Республикаси "Ветеринария инспекцияси тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги ва "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунлари ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилмаслик сабаб бўлади.

Республикамиз ҳудудига куйдирги касаллиги кириб келишининг олдини олиш ва аҳоли ўртасида нормал санитария-эпидемик вазиятни таъминлаш чора-тадбирлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бунда қўшни давлатлардан, хусусан Қозоғистон ҳудудларидан чорвачилик маҳсулотлари, ҳайвон терилари ва емхашак олиб кирилишини вақтинчалик қатъиян ман қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада божхона ва давлат санитария-эпидемиология хизмати чегара назорат постлари фаолияти кескин кучайтирилиши талаб қилинади.

Жойлардаги фермер хўжаликларида, маҳаллаларда ва шахсий хонадонларда "тадбиркорлик"ни рўкач қилиб ветеринария-санитария назорати рухсатисиз ўзбилармонлик билан уй ҳайвонларини тўғри келган жойда сўйиш ва сотиш қатъиян ман этилмоғи лозим.

Республикамиз бозорларида жойлашган ветеринария-санитария лабораториялари фаолияти кучайтирилиб, гўшт ва сут маҳсулотларини экспертиза хулосасисиз (тамғасисиз) сотишга йўл қўймаслик зарур. Барча гўшт-сут маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарида, қушхоналарда, бозорларнинг гўшт-сут павильонларида, гўшт дўконларида санитария ва шахсий гигиена қоида ва меъёрларига қатъий риоя қилиниши даркор.

Маълумки, аҳолининг санитария маданияти ва гигиеник билимлари йилдан-йилга ошмоқда. Бироқ, беруҳсат фаолият кўрсатаётган ошхоналар, кабобхоналар ва уйда тайёрланган таомларни сотиш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Шунинг учун, айниқса гўшт ва сут маҳсулотларини харид қилишда уларнинг сифат гувоҳномаси (сертификати)ни талаб қилиш лозим. Бу маҳсулотлар албатта совутгичларда сақланиши зарур. Уларни пиширишдан олдин яхшилаб ювиш, майдалаш, қовуриб ёки қайнатилиб (камида 1,5 соат давомида) таом пиширилиб истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқдир. Корхоналарда, гўшт-сут павильонларида, гўшт дўконларида ва хонадон ошхоналарида эса барча идишлар ва технологик жараён анжомлари доимий равишда ювилиб, 1-3 фоизли хлорли модда билан дизинфекция қилиниши талаб этилади.

Ҳозирги вақтда бу борада санитария-эпидемиологик назоратни кучайтириш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳамма жойда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

(ЎзА).

ҚУЛАЙЛИК

Ихтисослашган акционер-тижорат «Пахта банк»нинг Олтинсой туман бўлими 200дан ортиқ мижозга хизмат кўрсатмоқда. Бўлимнинг янги ва барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчиб ўтгани боис аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифати янада яхшиланди. Айниқса, янги бинонинг энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани мижозлар билан алоқанинг тез ва соз бўлишини таъмин этаётир.

СУРАТЛАРДА: банкнинг тезкор ва хушмуомала ходимаси Мақсудахон Холмуродовадан ҳамма хурсанд; янги банк биносининг ташқи кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Узоқ муддатли муносабатларга умид боғлаб ва банк хизматларининг ниҳоятда хилма-хил турларини, ишончли, тезкор, қулай хизматларни ҳамда энг фойдали фоиз ставкаларини таклиф қилиб

Банк ташкил этилганининг тўққиз йиллиги арафасида

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ОМОНАТНИНГ «Тараққиёт» ДЕБ АТАЛГАН ЯНГИ ТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Омонатга пул 2000 йилнинг 14 августидан 31 августига қадар 1 ой муддатга қабул қилиниб,

йилига 70 фоиз фойда тўланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

NBU

Қўшимча маълумотларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 рақамли телефонлар орқали ёки «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

2003

БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳанграрон» шоҳкўчаси, 2. Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90. Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз: Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.

Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси. Тел.: (43622) 30761.

®/1907

ЧИНАКАМ МАЪНАВИЙ ҚОМУС

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» маънавиятимизнинг чинакам қомуси ҳисобланади. Чунки унда эрамиздан олдинги бир неча юз йилликлар давомидаги иқтисодий, сиёсий, илмий, ҳарбий ҳаётга доир нодир мулоҳазалар билан бирга, инсоннинг руҳий, маънавий оламининг ранг-баранг қирраларига оид фикрлар сон-саноқсиз. Зардушт янги маздопарастлик динининг туб моҳияти ҳақида гапириб, нутқларидан бирида қуйидагиларни уқтиради: «Бу дин турли қавмларни ҳамжиҳатликда, дўст-биродарликда яшашга даъват этади, жангариларнинг йўлини тўсади». Демак, зардуштийликнинг бош шиори яхши иш, яхши хулқ ва яхши амал бўлганидек, ирқи, қавми, аймоғи, динидан қатъи назар ҳаммани башарнинг ягона аъзоси деб билади, динни рўкач қилиб, мунофиқлик билан эл орасига ноиттифоқлик ёдиган ҳар хил риёкор оқимларни қаттиқ қоралайди. Яштларда олижаноб инсоний фазилатлар ғайриинсоний хатти-ҳаракатга, шаръий амаллар ғайришаръий ишларга зид қўйиб тасвирланган, баён этилган: «Биз истаймизки, бу юртда фармонбардорлик бўйсунмаслик, сулҳ жанжал, тўғрилик эгрилик, ғайратлилик танбаллик, ростсўзлик ёлғончилик, адолат зулм устидан ҳамиша ғалаба қилсин». Ҳотларда қайта-қайта уқтирилишича, бу дин ҳоҳилият ўрнига маърифатни, жанг ўрнига сулҳу амниятни барқарор этиш учун пайдо бўлган.

Маълумки, ҳамма замонларда маънавиятнинг инкишофи илм-адаб аҳлининг, мударрису муаллимларнинг тафаккур даражасига, ўз вазифасига жонфидолик билан муносабатига, халқ, Ватан наздидаги масъулиятни нечоғлиқ ҳис этишларига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам «Авесто»да муаллим ва устозлар маънавият дарғалари сифатида мадҳ этилган: «Шаҳару қишлоқларда, қоласа-ки, бутун мамлакатда халққа маънавиятдан таълим берадиган муаллимларни Оша йўлини тутганлари учун, ҳар бир хонадонга янги аҳкомларни олиб кириб, эл ардоғига соҳиб бўлганликлари учун мадҳ этамиз, олқишлаймиз».

Зардуштийлик таълимотига кўра, ҳар бир маздопарастнинг руҳан ва хулқан комиллиги унинг яхшиликка юз тутиб, рост йўлни танлаб, дунёвий билимларни ўрганиб, ўз касбини эъзозлаган ҳолда Аҳурамаздо фарзларини нечоғлик адо этиши билан белгиланади. Зероки, қўш ҳайдаб, дон эккан, чорвани парваришлаб, чўлда боғ яратган, ернинг заҳини қочириб, шўрини ювиб, зироат эккан Зардуштийнинг равони пок, хулқи хуш, амали чин бўлади: «Яхшилик йўлини кўрсатган, бизни яхшилик чорраҳасига элтган Маздонинг энг рост донишини қабул қиламиз. Чунки, у барча билим ва ҳунарларнинг калитидир».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳот ва Яштларда инсонпарварлик, ватандўстлик, бандаларига ҳамиша яхшиликни раво кўрмоқни тарғиб қилиш, танбаллик, ғафлат ва лоқайдликни қоралашга бағишланган бандлар кўпдан-кўп учрайди. Улар гоҳи Зардушт нутқлари қобиғида, гоҳ пайғамбарнинг Аҳурамаздога мурожаати, саволлари ва Тангрининг унга жавоби баёни таркибида келади: «Дурустқирдорларнинг энг яхши фазилати янги жаҳонни қуришга интилмоқдир. Тангри шому саҳар ўзгаларга ёрдам қўлини чўзадиган бандаларини ёқтиради». «Эй Аҳурамаздо! Манга етук ва ишбилармон, диншунос, анжуманоро, ватанпарвар, хушхулқ, инсондўст, оғиримни енгил қиладиган фарзанд бер. Токим у хонадоним, қишлоғим ҳамда юртим овозасини оламга ёйсин».

Яштларнинг қайси бандини ўқиманг, диний қонун-қоидалар, фарзу суннатларнинг тарғиби билан бирга маънавиятнинг барча қирраларига дахлдор фикрларга дуч келасиз. Масалан, бир бешликда беҳуда қирғин урушлардан зарар кўрганларга мадад беришга даъват этилса, бошқа бирида кишиларга ситам қилмоқ зарар етказмоқдан йироқ, юришга чақирилади: аччиқзабонлик, дилозорлик қораланади.

Маълумки, инсоннинг маънавий етуклиги унинг дўстликка садоқати, кечиримли бўла билиши, жоҳилларнинг қалбини ҳидоят нури билан ёрита олиши, ёмонликка яхшилик билан жавоб айлаши каби олижаноб хислатлар билан белгиланади. «Авесто»нинг турли қисмларида ана шундай файзу фазилатларни тарғиб этадиган кўплаб парчаларни, алоҳида банд ва қисмларни учратамиз: «Ўзгаларни яхшиликка йўллай олган одамларнигина яхши одам дейиш мумкин». «Тангри ростгўйларнинг нигоҳбонидир». «Менга ҳамиша ғайрат ва шижоат бахш эт. Мени ҳамиша ғафлат уйқусидан йироқ тут». «Қаерда икки тан бир-бирини қўлласа, ўша ерда иш юришади». «Мен бу юртда чорвачиликни ривожлантириш йўлида заҳмат чекаётган одамларнинг озодлигини истайман, уларнинг ўзаро борди-келди қилиб яшашларини таъминлайман». Демак, Тангрининг мақсади ер юзида ҳамиша осойишталик, униб-ўсиш, фаровонликни таъминлаш. Бандаларининг иймон-эътиқоди, амалларининг оқибат натижаси ҳам ана шу бирлик, маъмурчиликни таъминлашга қаратилмоғи зарур.

«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан

Асарнинг «Виспарад» ҳамда «Вендидод» қисмларида ҳам инсон маънавияти билан боғлиқ мулоҳазалар кўп. Чунончи поклик ва ростлик ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Зардушт ақидасича, Аҳурамаздо дини бу поклик мояси. Шунинг учун у мардумларга ростлик ва поктийнатликни элтади. Зардушт Тангрига мурожаат қилади: «Эй Аҳурамаздо! Яхши элчиси менинг ҳузуримга келиб, илк бор сенинг аҳкомларингдан сабоқ олган кунимдан бошлаб, сени поклик билан кашф этганман. Сенинг паёмларингни халққа етказиш қанчалик машаққатли бўлмасин, сенинг аҳкоминг мен учун мўътабардир. Мен уни ўз эгалари-мардумларга албатта етказгум!» Шунда Аҳурамаздо деди: «Ўзгаларга рўшнолик истаган одамнинг йўли албатта ҳамиша нурафшон бўлгай!»

Бошқа бир ўринда Зардушт ўзининг ҳаёт, тирикчилик, юртга, инсонларга беҳрўзлик келтириш зарурлиги хусусидаги мулоқоти жараёнида Тангридан қуйидагиларни сўрайди: «Одамлар орасидаги ишончсизлик ўртадан кўтарилсин, қардошларда бир-бирига душманлик бартараф бўлсин; ҳамкор ва ҳаммаслаклар ғаламуслардан қутилишсин, жаҳон ёмон раҳбарлар қўлидан халос бўлсин!»

«Авесто» маънавиятимизнинг илк сарчашмаларидан биридир. Унда иймон, эътиқодда собитлик, илм ўрганиш, касб-кор эгаллаш, халқни адолат, маърифат, инсондўстлик, ватанпарварлик, она сайёрани эъзозлашга, ҳидоят этишга даъват бош масала ҳисобланади. Инсон маънавий жиҳатдан пок ва комил бўлса, касб, ҳунар, илм билан ҳалол ризқ топиб яшаса, унинг имони бут бўлади, эл назаридан қолмайди. Ғафлат, танбаллик жоҳилликка бошлайди, жоҳиллик эса беватанлигу жангариликка элтади. Бундайлар Тангри қаҳрига, эл лаънатига учрайди.

«Авесто»да кишилар ҳаётининг барча жабҳалари, ҳатто эл-юрт осойишталиги, мамлакатдаги вазиятнинг барқарорлигию, ўзи ҳақида эмас, ўзгалар хусусида ғамхўрлик қилиш, уларнинг иззат-нафси, тақдирини ҳисобга олиш ҳақида ҳам ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган мулоҳазалар, пандлару даъватлар ҳийла бисёр. «Ҳот» ва «Яшт»ларда, айниқса, тинчлик учун курашга, ўзгаларга беҳрўзлик тилашга чорловчи бандлар анчагина: «Биз юртимиз, манзилимиз тинч бўлишини истаймиз; хонадонларда осойишталик ҳукмрон бўлсин». Ёдгорликнинг барча қисмларида инсонларни яхшиликка даъват этиш, ҳамиша ўзгаларга наф етказишга ундов ҳам хийла кучли. Жумладан, «Хурмузд Яшт»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Биз Аҳурамаздонинг энг яқин дўстларидан бўлишни истаймиз. Чунки, биз барчага яхшилик истаб, андишаи нек билан фикрлаймиз, гуфтори нек билан сўзлаймиз, кирдори нек билан ишлаймиз... Зероки ўзгаларни беҳрўзликка етказган одамгина яхши инсондир».

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ.

STOMASERVICE
PRIVATE DENTAL CLINIC
СТОМАТОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ
"Дентсплай" (АҚШ) технологияси бўйича
ЯНГИЛИК
WE SPEAK ENGLIGH
ЁЗГИ ЧЕГИРМАЛАР 15%
• КОСМЕТИК ТЕРАПИЯ
• Оқ-полимер композит пломбалари
• Тишларни тиклаш
ЭНДОДОНТИЯ
Барча турдаги каналларни КОМПЬЮТЕР НАЗОРАТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ДАВОЛАШ
• ТИШ ОРАЛАРИГА ЙИГИЛГАН ҚАТЛАМЛАРНИ ОЛИБ ТОЗАЛАШ
• ПАРАДОНТОЗНИ ДАВОЛАШ
• ПРОТЕЗЛАШ
• Металл-керамика
• Бюгел протезлар
• ИМПЛАНТОЛОГИЯ
Компьютер рентгенографияда малакали ва аниқ ташхислаш
ҚАБУЛ — ЯККА ТАРТИБДА
STOMASERVICE - СИФАТ КАФОЛАТИ
Телефон орқали навбатга ёзилиш: Тошкент — 30-44-88, Самарқанд — 32-00-20
© SHARQ MEDIA
3123

«MALVIL» МЧЖ саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.
ДИЗЕЛЛИ ВА БЕНЗИН БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ҚУВВАТИ 300 ВА дан 800 кВАгача БЎЛГАН
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
исталган қувватдагиси
Ишлаб чиқарувчилар: Германия (GEKO), Италия (Lifter), Япония (Honda), Россия
UPS - ҚУВВАТИ 300 ВА дан 800 кВАгача БЎЛГАН УЗЛУКСИЗ ОЗУҚА БЛОКЛАРИ
Ишлаб чиқарувчи: Франция (MGE).
КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.
2751
Тошкент ш., 700000, В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — О. РАҲИМОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 22.45
1 2 3 4 5 6

Алло, Сиднай?

«ОЛТИН СУВ»ГА ОЛТИН МЕДАЛ НАСИБ ЭТСИН

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли «Олтин сув» сузиш маркази вилоятдагина эмас, республикамизда ҳам кўпчиликка маълум ва машҳур. «Сидней-2000» олимпиадасида спортнинг сузиш тури бўйича республикамиз шарафини айнан шу марказ вакиллари ҳимоя қилишади. Ўзбекистон чемпиони Олег Цветковский, халқаро спорт усталари Олег Пухнатий, Саида Искандарова, Александр Огафоновлар олимпиадага йўлланма олгач, чалқанча, комплекс, эркин сузиш бўйича ўз маҳоратларини янада такомиллаштирдилар.

Спортчилар яқинда хорижга жўнаб кетишди. У ерда Осиё чемпионатида иштирок этиб, Австралиянинг Оделанда шаҳрида машғулотларни давом эттиришади.

Ўз мухбиримиз.

СПОРТ

Ёш авлодни соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ишларига Зангиота туманида алоҳида эътибор бериляпти. Чунончи Эшонгузар қишлоғининг ёшлари спортнинг ўнга якин тури билан шуғулланяпти. Футбол майдони, оммавий спорт турига айланиб бораётган теннис корти, волейбол ва баскетбол майдонлари, югуриш йўлакчалари, сузиш ҳавзаси бу ерлик йигит-кизларнинг севимли жойларига айланган.

ЭШОНГУЗАРДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Мустақилликнинг тўққиз йиллиги арафасида маҳалла командаларининг футбол мусобақаси ўтказилди. Финал беллашуви олдидан карнай-сурнайларнинг майдонга чорловчи ёқимли овози атрофни тутиб кетди. Санъаткорлар дилрабо куй ва рақслари билан томошабинларга қувонч улашишди.

Қарийб икки ой давом этган беллашувларнинг якунловчи босқичида бош соврин учун майдонга тушган А. Навоий номли ҳамда Эшонгузар маҳаллалари ёш футболчилари яхши ўйин намойиш этишиб, бу ерга тўпланган мухлисларни хушнуд этишди. Навоий маҳалласи футболчиларига омад кулиб боқди. Ғолиб футбол жамоаларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Мурод БОТИРОВ.

«CHOR-SU BUYUM BOZORI»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
2000 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши 13 сентябр куни соат 17 да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:
1. Акциядорлик жамиятининг 2000 йил ярим йиллик молиявий ва хўжалик фаолияти ҳисоботи ҳақида.
2. Жамиятнинг даромадлар ва ҳаражатлар сметасини 2000 йил ярим йилликда бажарилиши ҳақида.
3. Жамиятнинг 2000 йил ярим йилликда бўлган молия ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
5. Бозор майдонида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан ер ижара ҳақи ундириш тўғрисида.
6. Жамиятнинг ишлаб чиқилган Низомларини тасдиқлаш.
7. Жамият Ижроия органи таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
8. Жамият бошқарув раисини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2000 йил 13 августда тузилди.

Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқаруви идорасида 2000 йил 10 сентябрдан бошлаб танишиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Заркайнар кўчаси, 1-уй.

«CHOR-SU BUYUM BOZORI» ОАЖ Кузатув кенгаши.
3186

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, БАРЧА ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш Самарқанд вилоят бошқармаси капитал қурилишда бозор муносабатларини жорий этишни жадаллаштириш, лойиҳалаш ишларини тайёрлаш муддатини қисқартириш, сифатини яхшилаш ва қийматини пасайтириш мақсадида 2001 йилда Самарқанд вилояти давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан таъмирланиши режалаштирилган **академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари иншоотларига**

ЛОЙИҲАЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАНЛАШ
бўйича тендерларни ташкил қилади ва ўтказади.

Тендер савдолари очиқ бўлиб, унда мулкчилик шаклидан қатъий назар «Даврархитектқурилишқўм»нинг махсус рухсатномаси (лицензия)га эга бўлган шу йўналиш бўйича лойиҳа ишларини олиб борувчи барча лойиҳа институтлари, кичик корхоналар ва фирмалар иштирок этишлари мумкин.

БУЮРТМАЧИ: САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

№	ИНШООТ НОМИ, МАНЗИЛИ	Қуввати ўқув/ётоқ
1	Қурилиш коллежи-Самарқанд шаҳридаги 1-ХТБЮ базасида	450/---
2	Маиший хизмат кўрсатиш коллежи-Самарқанд шаҳридаги 33-ХТБЮ базасида	975/100
3	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Самарқанд туманидаги 44-ХТБЮ базасида	600/100
4	Саноат коллежи-Челак туманидаги 11-ХТБЮ базасида	600/100
5	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Самарқанд гидромелиоратив техникум базасида	960/400
6	Саноат коллежи-Самарқанд темир йўл техникуми базасида	770/400
7	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Каттақўрғон тижорат техникуми базасида	950/400
8	Педагогика коллежи-Самарқанд педагогика билим юрти базасида	700/400
9	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Пастдарғом тумани «Хончарбоғ» ж/ҳдаги мактаб базасида	600/---
10	Саноат коллежи-Иштихон туманидаги 28-ХТБЮ филиали базасида	450/---
11	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Ургут тумани А. Навоий номли ж/ҳдаги мактаб базасида	975/100
12	Қишлоқ хўжалиги коллежи-Оқдарё туманидаги 49-ХТБЮ базасида	600/100

Юқоридаги объектларнинг тендер ҳужжатларини «Пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш» Самарқанд вилояти бошқармасидан олишингиз мумкин.

Манзилгоҳ: Самарқанд шаҳар, Кўксарой майдони-3, (Самарқанд вилоят архитектура ва шаҳарсозлик биноси) тел/факс: 31-13-51.
3184

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан «Гўштсутсавдо» ДСИИБга қарашли Давлат рақами 12-29 ТНУ бўлган ЗИЛ 130 автомашинасига берилган АТ 0003214 сонли лицензия ва АТ 0152599 сонли лицензия варақаси бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария эпидемиология назорати Маркази жамоаси санитария-гигиена лабораториясининг мудири, кимё фанлари номзоди

Дилдора АМИЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси Фозилжон Отахоновга онаси

Саодатхон ая ОТАХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.